

# Ғўза кунда бир яшнамоқда

*Мингбулоқ туманидаги «Гулбоғ» ширкат хўжалиги деҳқонлари жорий йилда 3 минг 200 гектар ернинг ҳар гектаридан 28 центнер ўрнига 30 центнердан пахта етиштириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бунда, айниқса, механизатор Даврон Умматқулов бошқаларга ибрат бўлаётир. У сувчилар ва пудратчилар билан ҳамкорликда ишлаб, ғўза қатор ораларига агротехника қоидалари асосида сифатли ишлов бераяпти.*

*СУРАТДА: механизатор Даврон Умматқулов.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни*

# ХОЛИЁР БАХШИ ХАЛҚ ДУШМАНИ БЎЛГАНМИ?

**У овчи эди. Лекин милтиқни эмас, дўмбирани яхши кўрарди. Учига кўзмунчоқли тўдана боғлаб қўйилган дўмбирани айлантириб бир чертгандан сўнг… чордона қуриб ўтирган кўйи полвонсифат жуссаси тенгсала-тенгсала ўзини гоҳ сўл, гоҳ ўнгга ташлаб айлана бошларди. Олдинига бағрига босиб черта бошлаган майдагина дўмбираси сўнг-сўнг бошлари узра айланиб қоларди. Ўнг қўлининг панжалари дўмбиранинг торлари узра бир айланарди, бир айланардики… Бутун борлиқ унинг қошига келиб дўмбиранинг оҳангларига, у айтаётган қўшиқлар сеҳрига маст бўлиб, айланиб-айланиб рақсга туша бошларди.**

У — Холиёр бахши Абдикарим ўғли эди. Мурғ йилида (1897) Бойсуннинг Паданг қишлоғида туғилади. Гўдаклигида отадан етим қолди. Абдираҳим исмли амакисининг қўлида ўсди. Кўрган-билганларнинг айтишича, қиличнинг дамидай йигит бўлиб етишган. От чопишни, ов қилишни яхши кўрган. Кўпкарида ҳамиша энг сара совринни айирган.

Суйган қизи бошқа бировга узатилганини эшитиб, унинг хаёли паришон тортади. Чўпонлик таёғини чертиб, бахшиёна қўшиқлар куйлай бошлайди. Амакиси унга дўмбира олиб беради. Тақдирни қарангки, йиллар ўтиб, Холиёр бахши ҳо-ов, ўзи суйган ўша аёлга уйланади. Ундан бир ўғил, икки қиз кўради. Ўзининг аёлини улуғлаб, шеъру ғазаллар битади. Қўшиқлар куйлайди. Ана сизга муҳаббат!

Холиёр бахши «Амир қочди» деган достон айтади. (Бу достонни Ҳоди Зариф домла 1928 йили бахшининг тилидан ёзиб олиб, «Гулдаста» деб номланган тўпламга киритади). Достон бахшининг Амир Олимхоннинг Афғонистонга қочганига ва умуман ўша даврнинг алғовли-далғовли воқеаларига ўзи тушуниб-тушунмай билдирган муносабати эди.

Холиёр бахши гарчи Суюндиқбой исмли минг қўйли бойнинг невараси бўлса ҳам, бобосининг қўйларини дуч келган одам талон-торож қилган бўлса ҳам босмачилик ҳаракатига қўшилмаган. Қизил аскар ҳам бўлмаган. Лекин «Амир қочди» достонида у:

*Йўлбарс ўлмай уясин*
*тарк этарми,*
*Ўғлон ўлмай юртин*
*ташлаб кетарми?*

деган гапларни қўшиққа солганини кўриб, китоб-дафтар кўрмаган йигитнинг нима демоққа шайланганига ҳайрон қолади киши.

Айрим хушомадгўйлар уни Будённий ҳақида достон айтишга даъват қиладилар. Будённий билан учраштирадилар. Буларингнинг тилини тушунмадим. Яна муртлари (мўйловлари) ҳам қизил қиёқдай экан, дейди. Буларингни достонга сололмайман, дейди. Абдулла Набиевни ҳам достонга сололмади.

Бизнинг ҳам ҳаққимиз бор, деб у бой бобосидан қолган қўйлардан эллик-олтмиштачасини тоғдан ендириб келиб, Шўрчининг Култепа қишлоғида яшай бошлайди. Ўзининг чўпонлигига ишора қилиб, «мен сўзнинг, шеърнинг чўпониман. Сўз фақат юракка бўйсунади» дейди. Сўзга уста одам бўлгани билан оғзидан бирон бепошна гап, қўпол латифа чиқмаган. Ширинсўз бахши бўлган.

Ана шундай дилбар, танти, дунё кўзига фақат яхшилик бўлиб кўринган шоир одамни, ўзи исмини билмайдиганларни ҳам худди фарзандларидай, туғишганларидай бағрига тортадиган меҳрибон одамни, қўшиқ-достонлар куйлаб элнинг тўйларини, кўнгилларини обод қилиб юрган бахшини…

1938 йил бошида Шўрчи қишлоқ шўроси раиси бахшини йўқлаб уйига келади. Ҳол-аҳвол сўраган бўлади. Биз шўроларни қўшиққа солмадингиз-а, деб ўпкалаган бўлади. Сўнг, бахшижон-а, отингиз бор. Шугина бир варақ қоғозни эртага марказга — НКВД деган идорага обориб бермайсизми? Сиздан илтимос-да, дейди.

— Ўзим ҳам Шўрчининг бозорига тушаман деб турувдим. Беринг қоғозингизни. Шундай ташлаб ўтаман, — дейди бахши.

Бахши, айтиб ўтганимиздай, икки ҳарфни уриштириб ўқий олмасди. Раис узатган қоғознинг тахини бузмайгина тайинланган идорага элтиб беради. Қоғозни қўлига олиб ўқиб кўрган НКВД нозирининг муғомбирона кулишидан ҳам бахши ҳеч нарса сезмайди. Холиёр бахши ўз тақдирига битилган машъум қора фатвога ўзи шу тариқа чопарлик қилади.

Эртаси куни уйини босадилар. Мол-мулкини хатлайдилар. Байна хола болалари Норхол ва Турсунлар билан кўзларидан қон оқиб бўзлаб қолаверади. Бахши «Совет давлатини қуролли қўзғолон йўли билан ағдариб ташлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган яширин аксилинқилобий ташкилотнинг фаол аъзоси бўлганликда» айбланиб, иш очилади.

Уни қўлларига занжир уриб, қамаб ташладилар. Дўмбира чертгандай бўлиб қўлларини ҳаракатга келтирганда билакларига занжирнинг оғир ҳалқалари ботди. Шоирнинг кўнглига шундай пайтда ҳам қўшиқ сиғди. Ҳазил-мутойиба сиғди. Қўшиқ янграр армон зўр бўлса, деб куйлади:

*От чопса гумбурлар*
*тоғнинг дараси.*
*Банди бўлди*
*бахшиларнинг тўраси.*
*Қачон битгай*
*юрагимнинг яраси.*
*Аё, фалак, не*
*билганинг бор сенинг?*

*Осмонимга бир кун*
*келиб ой чиқар.*
*Шеър-достоним ўлмагай,*
*ойлардай оқар.*
*Қисмат бугун хону*
*монимни ёқар,*
*Аё, фалак, не*
*билганинг бор сенинг?*

*Кўзларим тўрт,*
*осмонларга қарайман.*
*Фиғонимни мен*
*кимларга жўрайман.*
*Холиёр, бугун дор*
*остида бўзлайман.*
*Аё, фалак, не*
*билганинг бор сенинг?*

… 1938 йилнинг март ойида уни отиб ўлдирадилар.

Норхол, Турсун исмли қизлари ҳозир ҳаёт: Қумқўрғонда яшашади. Эшитган-билганлар бахшини хотирлаб, уларнинг уйларига ўтиб турадилар. Бахши севиб-суйиб куйлаб ўтган Оймомо дарахтнинг панасидан мўралаб, уларнинг суҳбатига шерик бўлади.

У айтган терма-достонлар ой бўлиб, қуёш бўлиб осмонларда оқиб юрганга ўхшайди.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Излаган имкон топади*

# СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ — ЭЪТИБОРДА

**Қабулхонада одам гавжум. Котиба келиб-кетувчиларга ширин муомала қилишу телефон қўнғироқларига жавоб бериш билан банд. Ҳар бир киши корхона раҳбари ҳузурига киришга, тезроқ ўз ишини битиришга шошилади.**

**«Каттақўрғонёғмой» акциядорлик жамиятида ҳар куни шундай манзарани кузатиш мумкин. Чунки ёғ, кунжара, шелуха, совун сўраб келувчилар кўп. Улар хўжаликлар вакиллари, фермерлар, хусусий фирма эгаларидир.**

— Ҳамманинг ишини битиришга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди жамият бошқаруви раиси Искандар Эшбеков. — Сабаби — ёғ ва совун кундалик эҳтиёж учун энг зарур маҳсулот ҳисобланади. Кунжара ёки шелухасиз чорвачиликни тасаввур қилиб бўлмайди. Баъзан бундай маҳсулотларни олиш учун кўплаб одамларнинг қимматли вақтлари беҳуда кетади. Кўпинча туманлар ва қўшни вилоятлардаги мижозлар бир пайтда келишгач, уларнинг мушкулини дарҳол осон қилиш қийинлашади. Биз ана шу муаммоларни бартараф этиш йўлларини излаяпмиз. Дастлабки ишимиз 10 та туманда корхонамизнинг маҳсулот тарқатиш шохобчасини ташкил этишдан бошланди. Эндиликда мазкур ҳудудларга ажратиладиган барча маҳсулотлар ушбу шохобчалар орқали сотилади. Шундай қилиб беҳуда вақт йўқотишлар, асаббузарликларга чек қўйилаётир.

Айтиш керакки, корхона маъмурияти ўз ишчилари манфаати йўлида хайрли тадбирларни ҳам амалга ошираяпти. Масалан, яқинда ташкил этилган ёрдамчи хўжаликни олайлик. Анатолий Жумаев бош бўлган бу жамоада ўрдак, балиқ, чўчқа, қорамол, қўй боқилаяпти. Ўрдак Шаҳрихондан, балиқ Чиноздан олиб келинди. Ёрдамчи хўжаликнинг фойдасини ишчилар, айниқса, байрам кунларида билишаяпти. Гўшт бозор баҳосининг тенг ярмида тарқатиляпти.

Корхонада ўтган йили 90803 тонна чигит, 6436 тонна соя дони қайта ишланди. Чигитдан режадаги 16,76 фоиз ўрнига 17,41 фоиз, соя донидан 17,43 ўрнига 18,05 фоиз ёғ олинди. Ёғнинг чиқишини меъёрдагидан кўпайтириш натижасида режадан ортиқча 540 тонна пахта ёғи, 40 тонна соя ёғи ишлаб чиқарилди.

Яна бир ютуқ шуки, техник чора-тадбирларни амалга ошириш ва технологик режим тартибига риоя қилиш туфайли экстракция бензинини иқтисод қилиш йўлга қўйилди. Яъни ҳар тонна пахта чигитини қайта ишлашда 1,3 килограмм кам ишлатилиб, умумий бензин сарфи 115 тоннага камайтирилди.

2000 йилда тозаланган ёғ, шу жумладан, пахта ва соя ёғи ҳамда совун ишлаб чиқариш билан чегараланиб қолинмади. Шартнома бўйича шерикларга 1699 тонна «Ўзбекистон» ёғи, 1503 тонна қадоқланган ёғ етказиб берилди. Шунингдек, 609 тонна дехрезгарлик қуймаси, 1210 тонна алиф, 3412 тонна тозаланган соапсток мойи кислотаси тайёрланди.

Ўтган йили корхонада ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 1999 йилга нисбатан 103,6 фоизни ташкил қилди. Соф фойда 334.545 минг сўмдан ошди.

— Бултур харидорлар олдидаги барча мажбуриятларимизни бажардик, — дейди корхона раҳбари. — Вилоят савдо ташкилотларига ва биз билан шартнома тузган хўжаликларга 13553 тонна ёғ сотилди. Совун етказиб бериш режаси ҳам ошириб бажарилди.

Корхона бир кечаю кундузда 1000 тоннагача чигитни қайта ишлаш қувватига эга. Капитал таъмирлаш ва профилактика ишлари муносабати билан узилишларни ҳисобга олсак, бир йилда бу кўрсаткични 310 минг тоннага етказиш мумкин. Аммо бултур ушбу имкониятнинг учдан биридан фойдаланилди: ҳаммаси бўлиб 103 минг тонна чигит ва соя қайта ишланди.

Жамоанинг имконият даражасида иш юритолмаётганининг асосий сабаби чигитнинг етишмаслигидир. Шу билан бирга, асбоб-ускуналарнинг эскирганлиги, зарур хомашёнинг танқислиги ҳам шундай сабабларнинг бири сирасига киради. Шу йилнинг биринчи чорагида корхонада совун ишлаб чиқариш режаси бажарилмай қолди. Хом техник саломаснинг етарли миқдорда бўлмагани бунга тўсқинлик қилди.

Муаммоларни ҳал этиш учун «Ёғмойтамакисаноат» уюшмасига берилган кредит ҳисобидан акциядорлар жамиятига 1,5 миллион доллар ажратилди. Унга иккита ёғ қадоқлаш ускунаси сотиб олинди. Техник ёғни тозалаб, озуқа ёғи ишлаб чиқаришда қўлланиладиган бу ускуналар мустақилликнинг ўн йиллик байрами арафасида ишлай бошлайди.

Корхона аҳли асосий эътиборни бошқа ички имкониятлардан ҳам оқилона фойдаланишга қаратмоқда. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот сифатини янада яхшилаш борасида изланишлар олиб борилмоқда. Янги йил ҳосилини қабул қилиб олишга тайёргарлик ишлари эса аллақачон бошлаб юборилган.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТА ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР АГЕНТЛИГИ
«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш ва кўрсатилаётган почта-алоқа хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг *«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги*, *«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги* Қонунларига асосан, *«Ўзбекистон почтаси»* давлат-акциядорлик компанияси қошида *«Почта ишонч телефони»* хизмати амалга киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси, корхона ва ташкилотлар почта алоқасига доир барча таклиф ва эътирозлари билан ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9.00дан 17.00гача 136-01-89 рақамли телефон орқали мурожаат қилишлари мумкин.

4460

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК



ДУ-20мм, ДУ-25мм, ДУ-32мм, ДУ-50мм, Ф 76х3,5мм, Ф 102х3,5мм, диаметрли пўлат қувурларни ишлаб чиқаради ва сотади.

ЭНГ АРЗОН НАРХЛАР ФАҚАТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАДИР!

Телефонлар: 41-31-72, 41-29-94, 41-25-72, факс: 144-38-18.

ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ «КЎМАК» ЖАМҒАРМАСИ

ИНТЕРНЕТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

“Web-дизайн бўйича мураббийлар тайёрлаш” семинарида қатнашиш учун республикадаги Интернетдан фойдаланувчилар ўртасида



ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

**Танловнинг мақсади**: республикада Web-дизайн бўйича мутахассислар сонини кўпайтириш.

**Танловда** Интернет ресурс марказлари ўқитувчилари, кутубхона Web-дизайнерлари, ноҳукумат-нотижорат ташкилотлари вакиллари, олий ўқув юртлари, илмий муассасалар, соғлиқни сақлаш тизими, санъат ва маданият ходимлари, журналистлар иштирок этишлари мумкин. Аризалар Очиқ жамият институти махсус бланкаларига мувофиқ расмийлаштирилиши лозим. Уларни Ўзбекистон Очиқ жамият институти офисидан ёки **http: //www.osi.uz; http: //www.iatp.uz/seminarweb. Web** саҳифаларидан олишингиз мумкин.

Семинар-машғулотлар шу йилнинг сентябр-октябр ойларида ўтказилади. Ҳар бир семинарнинг давомийлиги 3 кун.

*Очиқ жамият институти офисида аризаларни қабул қилиш эълон чиққан кундан бошланади ва 2001 йил 10 август соат 18.00га қадар давом этади. Агар ҳужжатлар почта орқали жўнатилса, почта муҳридаги кун 2001 йил 10 августдан кеч бўлмаслиги керак.*

*Танлов натижалари 2001 йил 10 сентябрда эълон қилинади.*

Танлов билан боғлиқ қўшимча маълумотлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин: 700031, Тошкент шаҳри, Зарбоғ кўчаси (собиқ Роза Люксембург кўчаси), 31-уй (мўлжал: «Россия» меҳмонхонасининг орқа томони). Маълумот учун телефонлар: 152-39-16, 152-39-33, 152-36-98.

4474



# ҲАММАГА ФОЙДА

«NAGEMA» Handesellshaft mbH фирмаси орқали арпани қайта ишловчи кичик завод сотиб олинган. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 4 йилга 517.355 АҚШ доллари миқдорида кредит расмийлаштирилган.

«Киёт» фермер хўжалиги ва Германиянинг «NAGEMA» Handesellshaft mbH фирмаси ўртасида тузилган шартномага асосан кичик завод тўлиқ ишга туширилди. Қарши туманидаги «Ражаб момо» фермер хўжалигига Германиянинг «Thyssen Handtl GmbH» фирмаси орқали мева-сабзавот маҳсулотларини қуритиш ва қадоқлаш кичик заводини сотиб олиш ва ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 5 йилга 288,880 ЕВРО миқдорида (йиллик устама 12 фоиз) кредит расмийлаштирилди. Ҳозирги кунда фермер хўжалигининг чет эл валютасида ҳисоб рақамлари мавжуд.

Миллий банк вилоят бўлими бўйича «Жейнов» сутни қайта ишлаш кичик корхонаси «АБР» кредит линиясидан 5,5 йил муддатга 285000 АҚШ доллари миқдорида қарз олиб, Швейцариянинг «Stal» компаниясидан сутни қайта ишлаш заводи технологияси ва ускуналарини олиб келиб ўрнатди. Айни пайтда 24 соат давомида 2 тонна сут қайта ишланиб, 7 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Бундай мисоллар жуда кўп. Албатта, бунда бош бошқармамизда кредит сиёсати жиддий таҳлил қилиб борилаётганлиги катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Шунинг учун ҳам кредит олиш учун мурожаат қилган кичик ва ўрта бизнес субъектларининг талаблари қондирилмоқда. Марказий банк вилоят бош бошқармасида ўрнатилган «Ишонч» телефонлари орқали мурожаат қилган кичик ва ўрта бизнес субъектларининг муаммолари ижобий ҳал этиляпти.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасида бошқармамиз ва тижорат банкларида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Тижорат банкларида тадбиркорлар бурчаги ташкил этилган. Шунингдек, тадбиркорлар иштирокида семинар-кенгаш, очиқ мулоқот ва форумлар ўтказилмоқда, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг муаммолари, таклифлари ўрганилмоқда ҳамда ечимлари топилмоқда. Ҳадемай ҳар бир банкда консалтинг хизмати кўрсатиш имконияти яратилади.

Бу йил Марказий банк вилоят бош бошқармаси ва тижорат банклари томонидан 6035 миллион сўм миқдорида кредит бериш режалаштирилган эди. Айни пайтда ана шунга мувофиқ иш олиб борилмоқда.

**— Тўловлар ўтишини тезлаштириш, банк билан мижоз ўртасида алоқани замонавий тарзда йўлга қўйиш борасида қандай ишлар қилинмоқда?**

— Бу соҳада «Банк — мижоз» дастури ишлаб чиқилган. Шунингдек, айтиш жоизки, тижорат банклари техник жиҳатдан замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Масалан, ҳозирги кунда Қаршида туриб, саноқли лаҳзаларда исталган вилоятга тўловларни ўтказиш мумкин. Ҳадемай мижозлар ҳам ишхонасидан туриб, банкка келмасдан пул операцияларини амалга оширадиган бўладилар.

**— Албатта, бу ишларнинг барчаси кадрларга, уларнинг салоҳияти, билим, тажрибаларига боғлиқ. Шундай эмасми?**

— Тўғри. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида мамлакатимизда ва хорижда ўқиб келаётган энг иқтидорли ёшлар банкларга ишга кирмоқдалар. Марказий банкнинг ҳудудий минтақавий маркази билан ҳамкорликда вилоятимизда доимий равишда ўқув машғулотлари ўтказилаяпти. Машғулотларда кредит, валюта операциялари, бухгалтерия ҳисоб-китоби, умуман банк фаолиятига оид ҳамма масалалар амалий мисоллар асосида ўрганилаётир.

**— Хоҳлаймизми, йўқми, бозор иқтисодиётининг ягона талаби — фойда. Албатта, банк соҳасида ҳам шундай бўлиши табиий.**

— Ҳа. Лекин фойда кўриш аввало мижозларга қулайлик яратиш эвазига бўлмоғи керак. Шунинг учун биз мижозларга хизмат кўрсатишни тубдан яхшилашга, устав капиталини кўпайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Шу мақсадда аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этиш, банк акцияларини сотиш соҳасидаги ишлар кўламини кенгайтираяпмиз. Фақат шу орқали кредит ресурслари миқдорини кўпайтириш мумкин.

***«Халқ сўзи» мухбири***
**Нарзулла РАВШАНОВ**
**суҳбатлашди.**

# Ичкилик касофати

Тошкент вилоятидаги катта бир хўжалик боғбони, 1961 йилда туғилган У.Соипов энг яқин дўсти Хидиралиевнинг туғилган куни маросимига борди. Албатта, ўтириш ичкиликсиз ўтмади. Зиёфат тунги соат иккиларда тугади. Уйини зўрға топиб келган Соипов кўча эшигини тепа бошлади. Ҳар кунги тўполон бошланишидан асабийлашган Гавҳар Соипова эрини уйдан ҳайдашга тушди. Жанжал шу даражада авж олдики, Соипов тап тортмай аёлининг бошига эшик олдидаги кетмон билан бир неча маротаба урди. Уйғониб кетган Зарифа ва Фаррух оналарини қонга беланган ҳолда кўриб, шовқин кўтаришади. Бундан безовталанган қўшнилар дарҳол милицияга хабар беришади. «Тез ёрдам» ҳам етиб келади. Бироқ вақт ўтган эди.

**Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**ИИВ матбуот хизмати амалиётчиси.**

ТАШКИЛОТ
ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНГАН ТУХУМ РЕШЕТКАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН ЛИНИЯНИ СОТАДИ.
Телефонлар: 133-67-68, 136-37-63, 130-28-25.
4477

«РАМ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНГАН ТУХУМ РЕШЕТКАЛАРИ (ФИЛЕЙКА) ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ.
Телефонлар: 133-67-68, 136-37-63, 130-28-25.
4477

2001 йил — Оналар ва болалар йили

# ЎҒЛИМ, СЕНГА АЙТАМАН...

**Ўн бешдан ошган ўғлоним, чимилдиққача босиб ўтадиган йўлинг энг нозик даврингдир. Шу оралиқдаги қилдай хатоинг катталаша-катталаша охири филдай зиёнингга айланади. Умрингнинг бошқа бекатларидаги адашишлар тавба-тазарру, тузатишлар билан балки ювилиб кетар, аммо ёзилмаган оппоқ қоғоздай ёшликка туширилган доғ ўнлаб йиллар ювса кетмагай.**

ШАЙТОН бор нарса ва у ёнингда эмас, қонингда айланади. Одамлар кўрса уят бўладиганки нарсани, билгинки, шайтон буюрди! Ҳазрати Навоийда шундай гап бор: **бировнинг олдида айтиш мумкин бўлмаган гапларни, қилиш мумкин бўлмаган ишларни кимса йўғида ҳам айтмаса, қилмаса, ўша одам донодир.** Айни ёлғиз қолганингда ўзингни қаттиқ пойла, жиловингни маҳкам тут. Ўзингга подшоҳ ўзингсан, буюр вужудингга, айтганингни қилсин! Агар айб ишдан тийилсанг — демак, ўзингни бошқаряпсан. Агар хато қилсанг, билгинки, шайтонга хизмат қиляпсан! Шайтонга хизмат қилдингми, ютқизишларинг бошланади! Ютқизишларга учради деган гап бахтли бўлолмади, деганидир.

Ота-онанг эса сени фақат бахт учун, бахтга атаб дунёга келтирганлар. Сени сувда эмас, дуоларда чўмилтирганлар, исмингни ҳам Бахтиёр, Комрон, Зафар, Дилшод, Хушнуд, Омад, Мақсуд, Умид деб қўйдилар! Шу исмларга муносиб умр кўришингни худойимдан туну тонг йиғлаб тилайдилар. Илинж ила эҳсонлар қилиб, элдан дуо йиғадилар. Ўқитадилар, ҳунарманд қиладилар. Сени бахтли кўрай деб, сочлари оқариб, тишлари тўкилгунча куймаланиб ўтадилар... Ўзингни йиғиштир, уларни ноумид қилма, шу икки буюк харидоринг учун бахтли яшаб бергин, ўғлоним! Агар астойдил хоҳласанг, бу сенинг қўлингдан келади, чунки буйруқ ўзингдан, ижро ўзингда!

* * *

БАХТ пок дил ва пок баданга насиб бўлғуси. Тўғрироғи, булбул чаманни излагани каби, бахт қуши ҳам шабнами тўкилмаган, тоза, муаттар феълли кишиларни қидиради.

Қолаверса, ўғлоним, эътибор бериб, атрофингдаги ота-боболарни бир-бирига солиштир, ҳар бир авлодда канда бўлмай такрорланаётган мўъжизани кўр — отасининг қошу кўзи, қомати, ҳаттоки овози, юришигача, қўй-чи, ҳолигача боласига кўчиб ўтган. Бу нима дегани? Бу — кўзингни оч ва ўзингни кузат, сендаги сен эмас, эртага туғиладиган боланг, индинга келадиган набирангдир, дегани. Сен дарахтсан, боланг сенинг меванг, дегани.

Шуни ёдда тутки, сен бугунги ўн беш ёшингда туриб, йигирма бешингда, ўттизингда, ўттиз бешингда... туғиладиган болангга таъм ва сифат йиғяпсан. Фарзанд ота-онанинг томирлари, суяклари, кўзлари, сўзларидан ўсиб чиқади. Ота-она бола учун замин қатига яширган неки яхши-ёмони боласида куртак очади. Меваси аччиқ ёки сифатсиз дарахтни кесиб ташлайдилар, мевасини ташлаб юборадилар. Аммо нобоп туғилган одамзод яшайверади! Уларни дунёга келтирганлар ҳам юз йилгача яшайверади! Улардан атрофга зарар етаверади, зараркаш бола туғиб қўйганлари учун ота-оналари қон-зардоб ютаверади! **Бу болалаётган бахтсизликдир.**

Гапнинг индаллоси шуки, вужудингни ва руҳингни бошидан покиза тут! **Тамакига ружу қўйсанг, ҳужайраларингдан тутунда куйган бола унади! Ароқ билан суғорилган томирларинг берган мева аччиқ бўлади!** Хулласи, олманинг тагига олма, тиконнинг тагига тикон тушади. «Ўзимдан чиққан балога, қайга борай давога», деб йиғлаб ўтаётганлар ёшлик пайтларида хато кетиб, жавобини олаётган шўрликлардир...

* * *

ДИЛОЗОРЛИК билан сен бировнинг дилини куйдирсанг, унинг оҳи эса сенинг уйингни куйдиради! Ноннинг ушоғини ҳам кўзга суртамиз, уволидан қаттиқ қўрқамиз. Чунки инсонга хизмат қилган ҳар бир нарса Оллоҳга азиз. Инсоннинг ўзини аямаганлар эса албатта унинг қаҳрига учрагай! Ҳар бир одам — бир неъмат. Инсоннинг жони кўнглида. Уволига қолмай десанг, унинг кўнглини асра. Улуғ Навоий айтадилар: **Каъбатуллоҳ Оллоҳнинг уйидир, одамлар учун унинг қадри қандайлигини биласиз. Аммо худони ёд этиб юрадиганки кишининг кўнгли ҳам Каъбадир, уни вайрон қилсанг, жавоби хунук келади...**

Ўғлоним, болалигинг ўтди, бўйинг эшик билан тенглашиб, овозинг дўриллаб қолди, тамом, энди сенга савоб-гуноҳлар дафтари очилади. Ойнакка қараб, ўзингни тузай бошладингми, улғайганинг шу. Сен бировга ёқишни қизлардан эмас, бошқалардан бошла. Билгил, яхши қизлар кимни ёқтирсалар, уни атрофга муносабатига қараб хуш кўрадилар. Ёқимли бўлиб яшашнинг йўли битта — одамларни хафа қилмаслик! Атрофдагиларнинг кайфиятига, феълига қараб гап топ. Ўзингнинг кайфиятинг носозроқ бўлса, ёзилгунингча яхшиси овлоқда тур, токи ёнингдагиларга ҳам сачраб, иқлимларини бузма. Боғбонга эътибор қил, қўлида ҳамиша қайчи, нокерак шохларни аямай кеса-кеса, дарахтни дуркун мева конига айлантиради. Тилингга, қўлингга ва феълингга ана шундай мардлик билан ишлов беришдан чарчама, шу машғулотни унутган заҳотинг билгинки, хунуклаша бошлайсан...

**Турсуной СОДИҚОВА.**



(Давоми бор)



Все, что Вам нужно - в одном принтере

Новый **HP LaserJet 1200** – идеальный принтер как для работы в офисе, так и дома.

Он обеспечит Вас скоростью, качеством и надежностью, которую Вы ожидаете от HP. А отличные перспективы расширения предоставят возможность делать копии документов прямо на Вашем рабочем столе и осуществлять их отправку по электронной почте и через интернет.

Все, что Вам нужно и даже больше, Вы найдете в одном принтере.

Для получения оптимального качества печати пользуйтесь расходными материалами HP.

hp invent

за подробной информацией обращайтесь:

NG MARKET

**NG Маркет Продажа компьютеров, периферии, аксессуаров**
Ташкент, ул. Буюк Ипак Йули, 42. Телефоны: (998-71) 1691620, 1691621. Факс: (998-71) 1691622.
e-mail: project@nuron.com.uz Ориентир: Станция метро "Пушкин".
**Мы ждем Вас также в нашем новом магазине по адресу:**
Ташкент, ул. Буюк Ипак Йули, 260. Ориентир: "Центр Луначарского" Телефон: (998-712) 663441.

©2001 HewlettPackard. All rights reserved.



Санъат касб танламайди, дейишгани рост экан. Мамасоли Холбеков асли сув хўжалиги соҳасида ишлайди, лекин миллий чолғу асбоблари ясаш, уларни таъмирлаш жону дили. У яратган мусиқа асбобларидан Қува ҳамда қўшни туманлардаги санъаткорлар мамнун бўлишмоқда.

***СУРАТДА: Мамасоли Холбеков рубоб чолғу асбобини таъмирлаяпти.***

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## ҲИКМАТ

*Баравар айлагин ичу ҳам тошинг,*
*Бир хил бўлсин қалбингу, юзинггу, бошинг.*

## МУРАББИЙЛАР ЎҚУВИ

Футболни ривожлантириш, олий ва биринчи лига мураббийлари малакасини ошириш мақсадида Самарқандда ўқув семинари ва амалий машғулотлар ўтказилмоқда. Ушбу тадбирни Осиё футбол федерациясидан юборилган бир гуруҳ мутахассислар олиб боряпти. Назарий ҳамда амалий машғулотларда Ўзбекистон олий лигасидан уч нафар, биринчи лигадан 17 нафар мураббий иштирок этмоқда. Ўқув семинари йигирма кун давом этади ва якуний имтиҳондан сўнг мураббийларга тегишли тоифа берилади.

**У.РЎЗИЕВ, ЎзА мухбири.**

# "УСТОЗ" РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 декабрдаги 576-сонли "Устоз" республика жамғармаси фаолиятини таъминлаш тўғрисида"ги қарорининг 4-бандини бажариш, яъни республикамизда педагогик фаолиятнинг ижтимоий мақоми ва обрў-эътиборини ошириш мақсадида**

## "ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МУРАББИЙСИ", "ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎҚИТУВЧИСИ" ВА "ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ИЛМИЙ РАҲБАРИ" КЎРИК ТАНЛОВЛАРИНИ

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

***Танловларда республикамиздаги барча таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчи ходимлари таркибидан олий маълумотли бўлган ва қуйидаги мезонларга жавоб берадиган Ўзбекистон фуқаролари қатнашишлари мумкин:***

- танланган мутахассислиги бўйича узлуксиз 5 йиллик меҳнат фаолиятига (иш стажига) эга бўлган ва ўз соҳасини мукаммал ўзлаштирганлар;
- илмий-услубий ва ўқув-тарбиявий жабҳаларда тадқиқотлар юритувчи, узлуксиз таълим тизимининг етук ходимлари ва ташаббускорлари;
- ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий жабҳаларда чуқур билимга эга ва ўз билимидан мураббийлик, ўқитувчилик ва илмий раҳбарлик фаолиятида самарали фойдалана оладиган ўқитувчилар ва ходимлар;
- юқорида қайд этилган тамойилларни ўқув-тарбиявий соҳаларда чет эллардаги илғор тажрибалар ва бошқа мавжуд янги усуллар билан ижобий мувофиқлаштирувчи ватанпарвар кадрлар, миллий маданиятимизнинг етакчи вакиллари;
- ўқувчилар (шогирдлар ва талабалар)нинг юқори даражадаги тайёргарлиги, маънавий дунёси, билими, маданияти, юксак ахлоқи, ватанпарварлик хусусиятлари яққол кўзга ташланадиган муҳим ижтимоий-педагогик кўрсаткичларга эга шахслар.

***Танловларда қатнашиш истагини билдираётган ва унвонга талабгорларнинг ҳужжатларини жамғарманинг тегишли вилоят бўлимлари қошида ташкил қилинган танлов комиссияси қабул қилади. Танловда қатнашишга тавсия қилинган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:***

- **таълим муассасаси тавсияномаси;**
- **олий ўқув юртини тугатганлиги, илмий даражаси, унвони ҳақидаги ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхаси;**
- **матбуотда эълон қилинган (алоҳида шакл бўйича) ишлар рўйхати;**
- **ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси;**
- **меҳнат дафтарчасидан кўчирма;**
- **3х4 ҳажмдаги 2 дона фотосурат;**
- **рейтингни аниқловчи таълим муассасаси томонидан тўлдирилган махсус анкета (қайси танловда қатнашишига қараб, вилоят бўлимларидан тегишли рейтинг сўровини олиш лозим);**
- **юқори малака мутахассислиги ва педагогик фаолиятидаги ютуқларга оид бошқа ҳужжатлар.**

*Юқорида қайд этилган ҳужжатлар тавсия бераётган таълим муассасаси томонидан тасдиқланиши ва энг кечи билан 1 сентябргача жамғарманинг вилоят бўлимларига топширилиши лозим.*

*Барча танловлар 2001 йилнинг 10 сентябридан бошланиб,4 босқичда ўтказилади.*

***Биринчи босқич** (эълон матбуотда чоп этилган кундан 10 сентябргача) зарур ҳужжатларни тайёрлаш, кафедралар ва бошқа бўғинлар тавсиялари ва унвонга даъвогарларга бўлган талаб-мезонларни ҳисобга олган ҳолда таълим муассасаси томонидан ўтказилади. Таълим муассасаси ўқитувчининг рейтингини чиқаради, рейтингнинг якуний баҳоси асосида таълим муассасасининг тавсияномаси (исталган шаклда) ишлаб чиқилади ва номзоднинг ҳужжатлари "Устоз" республика жамғармасининг вилоят танлов бўлимига юборилади.*

***Иккинчи босқич** (10 сентябрдан 15 сентябргача). Рейтингнинг умумлаштирилган натижалари, тақдим этилган ҳужжатлар асосида жамғарма вилоят танлов бўлими томонидан кўриб чиқилиб, барча таълим муассасалари номзодлари кўрсаткичлари даражасининг зарур талабларга мувофиқлиги аниқланади.*

***Учинчи босқич** (17 сентябрдан 22 сентябргача). Танлов ғолибига бўлган умумий талабларни ҳисобга олган ҳолда, тегишли унвонга даъвогарнинг фаолияти тўғрисидаги аноним экспресс-анкета жамғарма танлов бўлими томонидан танловнинг аввалги босқичларидан муваффақиятли ўтган номзодларни тавсия этган муассасаларда, жойларга бориб ўтказилади. Экспресс-анкета ва рейтинг натижалари асосида комиссия номзоднинг умумий балини чиқаради ва босқич ғолибини аниқлайди. Шу босқич ғолиби ҳужжатлари экспресс-анкета натижалари билан биргаликда "Устоз" республика жамғармасига юборилади.*

***Тўртинчи босқич** (22 сентябрдан 26 сентябргача). Низомга мувофиқ республика танлов комиссияси жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги танлов бўлимлари унвонга тавсия этилган даъвогарларнинг ҳужжатларини кўриб чиқади ва тегишли мезон-кўрсаткичларга асосан танлов ғолибларини аниқлайди.*

**Танлов якунлари оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади. Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Ўқитувчилар ва мураббийлар кунида ўтказилади.**

**Танловларга оид барча саволлар, шу жумладан, танлов шартлари ва низомлари, рейтинг шартлари, экспресс-анкета маълумотлари тўғрисидаги масалалар билан жамғармамизнинг вилоятлардаги бўлимларига, республика "Устоз" жамғармасининг қуйидаги манзилда жойлашган маъмуриятига мурожаат этишингизни сўраймиз: Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-уй, телефонлар: 132-60-94, 132-60-17, факс 132-60-16.**

4475

ДИҚҚАТ!

ЯНГИ ПРЕПАРАТ

«ГЕПАТИН»

ГЕПАТИН — *жигарда алмашув жараёнларини яхшилаш, сафрони ҳайдаш, касалликка самарали таъсир кўрсатиш, ҳимоя кучларини тиклаш хусусиятига эга.*

*Ўткир вирусли А, В ва С гепатитни, сурункали гепатитни, жигарнинг заҳарли зарарланиши, сурункали касал тарқатувчи Hbs антигенни, сурункали холецистит ва гепатохолециститни даволашда* — ҚЎЛЛАНИЛАДИ.

*Тошкент шаҳрининг қуйидаги дорихоналаридан сўранг:*

Чилонзор мавзеси, 8-даҳа, 1-уй, тел. 78-28-36;
У.Носир кўчаси, 120-уй, тел. 50-93-22;
Шоҳжаҳон кўчаси, 65-уй, тел. 152-27-89;
У.Носир кўчаси, 61-уй, тел. 53-49-95;
«Жўрабек» дорихонаси, тел. 45-28-60.

УЛГУРЖИ ХАРИДОРЛАР УЧУН ТЕЛ.: (3712) 56-39-75, (371) 185-60-14.

Регистрационный № 00.573.3

4452

## ЭЪЛОН!

***Жиззах вилояти бозорлар уюшмаси томонидан вилоят бозорлари учун ишлаб чиқарилган қуйидаги рақамлардаги патталар:***

*СС 0630001 дан — СС 0631000 гача,*
*СС 0643001 дан — СС 0646000 гача,*
*СС 0940001 дан — СС 0943000 гача,*
*СС 1039001 дан — СС 1042000 гача*
***йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.***

«Ўзавтойўл» концерни жамоаси автомобил-йўллар бирлашган дирекциясининг бош ҳисобчиси Ақида Раҳимбековага умр йўлдоши **Равшан РАҲИМБЕКОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2615, 20392 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.00.*
1 2 3 4 5 6